
Фарғонада вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Бугун 10 декабрь куни вилоят тадбиркорлар маркази мажлислар залида Фарғона вилояти хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияни Ўзбекистон Олий Мажлис сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқова олиб борди. Ушбу анжуманда Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.К.Норбоева иштирок этди.

Кун тартибиага Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил, 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила инститтууни мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ”ги Фармони ижросини таъминлаш борасида Фарғона вилоят Хотин-қизлар қўмитасининг вазифалари тўғрисида ҳамда ташкилий масалалалар киритилган.

Хотин-қизлар қўмитаси вилоят бўлими ҳисоботини қўмита бошқаруви аъзоси Хадича Каримова ўқиб эшиттирди.

Музокараларда Халқ қабулхонаси вилоят бўлими раҳбари Робахон Маҳмудова, “Нурли обод” фермер хўжалиги раиси Лолаҳон Муротова, ХДП вилоят бўлими раиси Дилбархон Мамажонова, ИИБ ХПБ бошлиғи ўринбосари Азим Юлдашев, “Тадбиркор аёл” уюшмаси раиси Ди лором Мехмоновалар сўзга чиқдилар.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан қарор лойиҳаси асос учун киритилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилишда ташкилий масалалар ҳам кўрилди. 39 кишидан иборат бошқарув қўмитаси тасдиқланди ва ўқиб эшиттирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Конференциясига вилоятдан 27 нафар делегатлар сайланди. Шунингдек, назорат-тафтиш комиссияси таркиби, бошгтарув таркиби аъзолари ҳам сайлаб олинди.

Конференцияда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Норбоевага сўзга чиқди. Унинг маъruzасидан сўнг савол-жавобларга ўрин берилди. Т.Норбоева вилоят хотин-қизлар қўмитаси раислигига Қосимова Дилафуз Шавкатовна номзодини кўрсатди. Д.Қосимова вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси этиб сайланди.

Анжуман сўнгидага Д.Қосимовага сўз олди ва билдирилган олий ишончни оқлашга сўз берди.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати

2018-12-10 18:31:04